



XX аср инсоният тарихида энг дахшатли даврлардан бири сифатида ёдда колди. Бу асрда миллионлаб инсонларнинг умрига зомин бўлган тоталитар тузумлар пайдо бўлди. Ана шундай тузумлардан бири Совет Иттифокидаги коммунистик ҳокимият эди. Бу тузум ўзини адолат ва тенглик тарафдори сифатида кўрсатган бўлса-да, амалда миллионлаб инсонларнинг ҳаётини барбод қилди.

Иосиф Сталин ҳукмронлиги (1924–1953) даври айниқса киргинлар, сиёсий таъқиблар ва оммавий катагонлар билан тарихда колди. Коммунистик партиянинг энг юкори лавозимларида ишлаган кўплаб мансабдорлар ҳам унинг катагонларидан кутула олмадилар. 1936–1938 йиллардаги машхур "Катта тозалаш" (Большой террор) даврида партиянинг энг юкори раҳбарлари, армия кўмондонлари, давлат хавфсизлиги ходимлари ва ҳукумат аъзолари сохта айбловлар билан ҳибсга олинди ёки отиб ташланди.

Масалан, Политбюронинг собик аъзолари Григорий Зиновьев, Лев Каменев, Николай Бухарин, Алексей Рыков каби инкилобнинг машхур етакчилари суд орқали қатл этилди. Қизил Армиянинг энг иқтидорли кўмондонларидан бири Михаил Тухачевский ва юзлаб генераллар ҳам қатл қилинди. НКВД раҳбарлари Генрих Ягода ва Николай Ежов ҳам охир-оқибат ўзлари қурган террор машинасининг қурбонига айландилар.

Бу катагонлар фақат раҳбарлар билан чекланиб қолмади. Миллионлаб оддий фуқаролар "халқ душмани", "диверсант", "жосус" ёки "миллатчи" деган асоссиз

айбловлар билан камок лагерларига юборилди ёки отиб ташланди. Миллионлаб одамлар ГУЛАГ меҳнат лагерларида очлик, совук ва огир меҳнат туфайли ҳалок бўлдилар.

Совет ҳокимияти даврида амалга оширилган мажбурий коллективлаштириш ва ундан кейинги очарчиликлар ҳам миллионлаб инсонларнинг ўлимига сабаб бўлди. Шунингдек, турли халқларнинг оммавий депортация қилиниши, диний уламолар, зиёлилар ва миллий етакчиларнинг йўқ қилиниши бутун ҷамиятга огир зарба бўлди.

Коммунистик мафкура давлатнинг расмий атеистик сиёсатига айлантирилди.

Масжидлар, черковлар ва бошқа ибодатхоналар ёпилди ёки бошқа мақсадларда ишлатилди. Минглаб дин уламолари, имомлар, рухонийлар таъкиб қилинди, қамалди ёки қатл этилди. Динга қарши қураш давлат сиёсатининг муҳим қисмига айланди.

Тарихчиларнинг баҳоларига кўра, Совет Иттифоқидаги сиёсий репрессиялар, очарчиликлар, депортациялар ва меҳнат лагерлари қурбонлари сони ҳақида турли ҳисоб-қитоблар мавжуд бўлиб, улар бир неча миллиондан ўн миллионлаб кишиларгача баҳоланади. Шунингдек, XX асрдаги бошқа коммунистик давлатларда ҳам оммавий қирғинлар ва репрессиялар юз бергани ҳақида қенг илмий адабиётлар мавжуд.

Тарих яна бир ҳақиқатни кўрсатди: кўрқув, зўравонлик ва оммавий қатагонларга таянган ҳар қандай тузум мустаҳкам бўлиб қололмайди. Инсон ҳуқуқлари, виждон эркинлиги ва адолат поймол қилинган ҷамиятда барқарор тараккиётга эришиш қийин. Совет Иттифоқи ҳам охир-оқибат ички инқирозлар, иқтисодий муаммолар ва халқ ишончининг йўқолиши натижасида парчаланди.

Тарихдан чиқариладиган энг муҳим сабоқ шуки, давлатнинг қучи зўравонлик ва кўрқитишда эмас, балки адолат, қонун устуворлиги, инсон қадри ва эркинлигига ҳурматда намоён бўлади. Миллионлаб қурбонлар қолдирган ҳар қандай тоталитар мафкура инсоният учун оғохлантирувчи сабоқ бўлиб қолади.

Абу Муслим, профессор